# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 19 IYUN, SESHANBA 75 (7224) - son

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили"

## Куннинг муҳим воқеалари

● **Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар орасидан истеъдод эгаларини қидириб топиш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган «Мафтункор ранглар дунёси» анъанавий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи якунланди.**

● Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сурхондарё вилоят филиали Узун туманидаги болалар оромгоҳига спорт анжомлари тақдим этди.

● **Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Республика ёш ижрочилар кўрик-танлови ўтказилди.**

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан босма нашрларда масъул котибнинг ўрнига бағишланган семинар-тренинг бўлди.

● **Намангандаги "Халқлар дўстлиги" маҳалласида "Ўзбекистон – Ватаним маним" шиори остида болалар расмлари танлови ташкил этилди.**

● Бўка туман маданият саройида «Ниҳол» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● **«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд вилоят бўлими Япония халқаро агентлиги — JICA билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Guide book of Samarkand» (Самарқанд бўйлаб саёҳат) китобини нашрдан чиқарди.**

● Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига лейтенант унвонлари ва дипломлари топширилди.

● **"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилотида Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда жорий йилнинг 15 июнидан Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди.

● **Сурхондарё вилояти Термиз туманида яна бир замонавий спорт мажмуи қуриб битказилди.**



## Кўксида орден, қалбида юрт, халққа меҳр

***Арнасой туманидаги "Сангзор" фермер хўжалиги раҳбари, мамлакатимиз Президенти Фармони билан "Дўстлик" ордени нишондори бўлган Рашидахон Ёдгорова давлатимизнинг ушбу мукофотини ҳамиша тақиб юради. Далаларда ҳам, кўча-кўйда, сайру томошада ҳам, байрам ва сайлларда ҳам, ҳатто, дам олиш учун санаторийга борганида ҳам.***

–Кўпчилик орденлилар ўз орденларини байрам ва анжумандагина тақишади. Сиз эса...

Бундай пайтда Рашидахон суҳбатдоши гапнинг "берди"сини айтмаёқ жавобга шошади:

–Юракдаги фахр туйғуси-чи? Озгина меҳнатларимга шунча иззат-ҳурмат кўрсатиб, Юртбошимиз, Ватаним шу орденга муяссар этибдими, бундан фахрланиб, миннатдорлик маъносида ҳамиша тақиб юраман.

Йўқ, Рашидахон ўзи айтганидай, "озгина" эмас, кўп йиллардан буён созгина меҳнат қилиб келаётир. Фермер хўжалиги ташкил этганига 8 йил бўлибди ҳамки, ҳали бирор йил пахтачилик бўйича ҳам, ғаллачилик бўйича ҳам шартнома режасини бажармай қолмади. Сўнгги уч йил давомида эса ҳосилдорликни кескин оширишга эришди. Масалан, 2004 йилда ҳар гектар пахтазоридан 35 центнердан, 2005 йилда 46 центнердан, бултур эса 53 центнердан ҳосил кўтарди. Ғаллазори ҳосилдорлиги ҳам уч йил давомида гектарига 12 центнер ошди.

Ҳосилдорликнинг ошиши хўжаликда

### БУГУНДАН ҚОНИҚИШ ҲИССИ

даромад юксалишини таъминлаяпти. Буни фермер хўжалигининг биргина бултурнинг ўзида 45 миллион сўм соф фойда олгани ҳам кўрсатиб турибди.

–Бу йил даромадимиз бундан-да яхши бўлади, – дейди у ён дафтарини варақлаб. –Негаки, пахта майдонимизни бултургидан икки баравар кенгайтириб, 85 гектарга етказдик. Ҳозир олд ғўзаларимиз гуллай бошлади. 115 гектар ердаги ғалламиз ҳосилдорлиги ҳам мўлжаллаганимиздан ортиқ эканлиги кўриниб турибди. Ҳосилнинг асосий қисми давлатга, учдан бирини эса уруғликка топширамиз. Бу ғаллачиликдан оладиган даромадимизни оширади.

Рашидахон Ёдгорова тадбиркор деҳқонгина эмас, қалбига қуёшдан меҳр олган саховатли она ҳамдир. У ўзининг икки нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказиш билан бирга беш нафар етимларни ҳам қарамоғига олиб, тарбияламоқда. Бундан ташқари, туман марказида яшовчи учта кам таъминланган оила, икки нафар ногиронга ҳам уч йилдан буён доимий ҳомийлик қилиб келаяпти. Бу йил ана шу оилалардан бирига сигир-бузоқ ҳадя этди.

–Хўжалигимиз тасарруфида қоладиган ғалланинг 50 тоннасини ишчи ва механизаторларимиз эҳтиёжига, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга ва бошқа хайрия мақсадларига рўйхат қилдим, – дейди Рашида одамларга нафи тегаётганидан қувончларини яширолмай. – Шунинг ўзи ҳам хўжалигимиз чўлкуварларини меҳнат зафарларига руҳлантиради.

Буни Ватан билан фахрланиш ва қалб қониқиши дейилади.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.**

**СУРАТДА:** Рашидахон Ёдгорова, илғор комбайнчилар Шуҳрат Бобоев ва Олим Сатторов.

*Жиззах вилояти*

## Саломатлик ойлиги

***Наманган вилоятида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ саломатлик ойлиги бўлиб ўтмоқда.***

Шу ой мобайнида ўтказиладиган тадбирлар аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънан етук ёш авлодни тарбиялаш, фуқаролар, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини фаол шакллантиришга қаратилган.

Ойлик давомида қишлоқ жойларда жисмоний ва маънавий саломатликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар ва болаларда камқонлик, йод тақчиллиги касалликларини даволаш ҳамда олдини олишга доир ишларни амалга ошириш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари учун зарур шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, саломатлик ойлиги доирасида вилоят соғлиқни сақлаш тизими ходимлари белгиланган тадбирларни юқори даражада ўтказиш мақсадида "Ибн Сино" халқаро жамғармаси махсус ҳисоб-рақамига бир кунлик иш ҳақини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

**(ЎзА)**

## Форум ва чемпион грантлари ёшларга

***"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси спорт ривожига алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳеч нарса спортдек мамлакат шуҳратини дунёга тез тарқата олмайди.***

Дарҳақиқат, биргина мисол. Ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг WBA йўналишидаги ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги унвони учун таниқли боксчи Николай Валуев устидан қозонган ғалабасини эслайлик. Ўша дамларда миллионлаб бокс мухлислари эътибори қаратилган ойнаи жаҳонда Ўзбекистон байроғининг ҳилпирашию шарҳловчи томонидан неча бор тилга олинган "Ўзбекистон" сўзи... Айнан шунинг ўзиёқ юртимиз шуҳратини янада оширди.

Форум жамғармаси ҳамда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳамкорлигида апрель ойида махсус жамғарма таъсис этилганди. Дастлабки грантлар топшириш маросими ўша пайтнинг ўзида бўлиб ўтган эди.

Ушбу хайрли иш давом эттирилмоқда. Яқинда пойтахтимиздаги "Форум юниор" болалар спорт мажмуида ушбу жамғарма ҳисобидан республикамизнинг барча вилоятларидан келган 70 нафар ёш иқтидорли спортчилар тақдирланди. Айтиш жоизки, муносиб кўрилганларнинг ёши 10 дан 25 гача бўлиб, улар ўз йўналишлари бўйича салмоқли натижаларга эришишга улгурган. Спортчиларнинг аксарияти эса юртимиз шарафини нуфузли халқаро мусобақаларда ҳимоя қилиб келишмоқда. Жумладан, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова, бухоролик Нурали Раҳматов, наманганлик Фарида Мамутова, самарқандлик Азиз Тошпўлатов каби ёш спортчиларнинг шахмат, шашка, енгил атлетика, кураш сингари кўплаб беллашувларда эришган натижалари бунинг исботидир.



Жаҳон чемпиони қўлидан грант олган спортчиларнинг таъкидлашларича, бу нафақат моддий кўмак, балки келажак ғалабаларга ишонч берувчи муҳим омилдир.

Тадбир давомида ёш, умидли спортчиларнинг юзидаги қувонч, ишонч ҳамда чемпионга ҳавасдан ҳам билиш мумкин эдики, эртага спорт соҳасида эришажак ютуқларимиз бундан-да юқори бўлади.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

**СУРАТДА:** тадбирдан лавҳа.

**С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.**

***Шоира Бекмуродовани доимо уйида учратган қўни-қўшнилари аввалига "Шу аёлга ҳам қийин. Ҳеч қаерда ишламайди", деган хаёлга боришганди. Шунда Шоира соддадил қўшни аёлларни уйига бошлаб, тикув машинасини кўрсатган ва "Касаначилик асосида ишлайман. Шукр, бунинг рўзғорга яхшигина нафи тегаяпти", деган.***

**Бандлик**

## Шукр, рўзғорга нафимиз тегаяпти

### дейишмоқда вобкентлик касаначи аёллар

Дарҳақиқат, у ҳамкасблари Дилноза Наврўзова, Дилсара Ярашева сингари "Вобкентпахтатозалаш" ҳиссадорлик жамияти буюртмаси асосида ишлаб, мазкур корхона учун бўздан қоп, фартук сингари жиҳозлар тайёрлаб беради. Аёлларбоп бу ишнинг афзаллиги шундаки, кишидан оғир меҳнатни талаб қилмайди. Қолаверса, уй юмушларига ҳам фурсат топасиз, олган маошлари рўзғорга кўмак-да.

Айтиш жоизки, мазкур корхонада касаначиликни йўлга қўйиш борасида муайян тажриба тўпланган. Бултур бу ерда 89 киши касаначилик асосида ишлаганди. Жорий йил 1 апрелига келиб улар сони яна 16 нафарга кўпайди. Асбоб-ускуналарни таъмирлаш, увада пахтани титиб бериш ва, ҳатто, қандолатчилик билан шуғулланаётган касаначилар бор. Бошқача айтганда, касаначилик ижтимоий ҳимоянинг энг фойдали, қулай усули сифатида намоён бўлаяпти.

– Бу усул, хусусан, хотин-қизларимизга маъқул тушаяпти, – дейди Вобкент тумани меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси Матлуба Мусаева. – Дейлик, уй меҳнатини ташкил этиш борасида 166 ишчи ўрни яратилган бўлса, шунинг 132 тасида хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Касаначиликни йўлга қўйган корхоналарга давлат томонидан маълум бир имтиёзлар берилади. Улар ижтимоий тўловлардан 25 фоиз миқдорида озод этиладилар.

"Вобкентпахтатозалаш" ҳиссадорлик жамияти касаначилари бултур 28 миллион 43 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Илгари корхона шу зарур маҳсулотларни четдан харид қилар ва анча-мунча харажатга қоларди. 2006 йилда эса ҳиссадорлик жамияти шу мақсад йўлида сарфланаётган маблағдан 1 миллион 300 минг сўм тежаб қолишга эришди. Касаначилар эса бултур ўртача 67 минг сўмдан маош олдилар.

Нафақат мазкур ҳиссадорлик жамияти, балки бошқа корхоналарда ҳам касаначиликни йўлга қўйиш фойдадан ҳоли эмаслиги эндиликда барчага аён.

– Жорий йилда режага мувофиқ, касаначилик асосида 165 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, – дейди М.Мусаева. – Биринчи чоракда 42 та иш ўрнига эга бўлдик. Бу кўзда тутилганидан кўп демакдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





*"Универсиада-2007"*

## Тошкент мусобақаларга тайёр

***"Универсиада-2007" штаби жойлашган "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида мусобақаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари А.Мараҳимовнинг айтишича, "Универсиада-2007" мусобақалари ўтказиладиган барча спорт объектлари, спортчилар ва ҳакамлар яшайдиган, овқатланадиган ҳамда дам оладиган жойларда зарур шарт-шароитни яратиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари ниҳоясига етган. Иштирокчиларни тантанали кутиб олиш, уларни истиқомат қиладиган, овқатланадиган ва мусобақа ўтказиладиган жойларга етказишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Спортчиларнинг мароқли дам олишлари учун жойларда ташкил этиладиган маданий, маърифий ва концерт дастурлари режаси ҳам тайёр.

Бу галги мусобақаларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Спорт беллашувлари, чемпионлар, юқори натижалар қайд этган иштирокчилар ҳақидаги маълумотлар тезкор равишда телевидение ва радио каналлари, матбуот ва интернет тармоғи орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади. Тезкорликни таъминлаш мақсадида спорт ўйинлари бўладиган жойларда махсус ахборот гуруҳлари хизмат кўрсатади.

Анжуманда Тошкент шаҳрида талабаларнинг ушбу спорт форумига катта тайёргарлик кўрилгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида 50 метрлик усти ёпиқ сув спорт саройи, Тошкент давлат техника университетида 25 метрлик сув ҳавзаси ва замонавий спорт мажмуи, Тошкент Тиббиёт академиясида замонавий стадион барпо этилди. Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ҳам "Универсиада-2007"ни қабул қилишга тайёр.

Универсиада мусобақаларини тезкорлик билан ёритиш мақсадида журналистлар учун барча шарт-шароит, алоқа ва интернет хизмати яратилган.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

"Қишлоқ ҳаёти"га жавоб берадилар

## Шикоят қаноатлантирилди

***Таҳририятимизга Самарқанд вилояти Ургут тумани Муғол қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Арслоновдан шикоят-ариза келган эди. Унда собиқ "Зарафшон" ширкат хўжалигида ишлаган даври учун меҳнат ҳақини ололмаётгани баён қилинганди.***

***Таҳририят ушбу хатни текшириб, зарур чора-тадбирлар кўриш учун Ургут тумани ҳокимлигига юборди. Яқинда Ургут туман ҳокимлигидан жавоб хати келди. Унда қуйидагилар баён қилинган:***



"Тумандаги Жартепа қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Муғол қишлоғида яшовчи Арслонов Эркиннинг "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририятига меҳнат ҳақини олишга ёрдам сўраб ёзган шикояти ўрганиб чиқилди.

Э.Арслоновнинг тугатилган "Зарафшон" ширкат хўжалиги ҳисобидаги 49477 сўм, турмуш ўртоғи М.Жўраеванинг 33794 сўм, жами 83271 сўм меҳнат ҳақлари тўлиқ ундириб берилиб, унинг талаби қаноатлантирилди.

**Ҳ.ОҚБЎТАЕВ,**
**Ургут тумани ҳокими".**

## ЯНГИЛИКЛАР

### Дўстлик форуми ўтказилди

**Амударё туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида Дўстлик форуми ўтказилди.**

"Шу азиз Ватан – барчамизники", деб номланган мазкур тадбир Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш куни олдидан "Ўзбекистонда яшовчи турли миллат хотин-қизлари ва ёшлари жиноятчиликка, терроризм ва гиёҳвандликка қарши" шиори остида бўлиб ўтди.

### Партия анжуманида

**Нукус шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотининг IV ҳисобот конференцияси бўлди.**

Конференцияда бир неча масалалар муҳокама қилинди, жумладан, ЎзЛиДеП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг ва текширув-назорат комиссиясининг янги таркиблари сайланди.

### "Ниҳол – 2007"га номзодлар танлови

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театрида "Ниҳол – 2007" мукофотига номзодлар тавсия этиш бўйича Республика танловининг II босқичи бўлиб ўтди.**

Бешта йўналиш бўйича танланган номзодларга Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан Тошкентда ўтказиладиган республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# Болангиз олдида мажбуриятларингиз қандай?

***Инсон учун фарзанддан азизроқ неъмат бўлмаса керак. Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг бахтиёр чеҳрасию, шўх кулгисини эшитиш ҳар қандай ота-она учун бахт эканлигини биламиз. Уларни ҳар томонлама соғлом, бақувват ўсиб улғаяётганлигини кўрсак беҳад севинамиз. Ана шу бахтиёрлигимиз сабабчилари бўлган болаларга муносабат ва эътибор бугун дунё миқёсида ўзгарди. Энди болалар ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларга эга эканлигини кўпчилик англаб етди.***



Маълумки, бу борада 1989 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро Конвенция қабул қилинган эди. Айни пайтда эса унга дунёнинг барча давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам қўшилган.

Ҳозирда мамлакатимизда келажагимиз ворисларига эътибор, меҳр-муҳаббат кун сайин ошиб бормоқда. Уларнинг соғлом вояга етишлари, илм олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар бунинг яққол тасдиғидир. Болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Оила Кодекси ҳамда бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда батафсил баён этилган.

Оила Кодексида ота-она ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармагани учун уларга нисбатан ҳуқуқий санкциялар: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас, деб топиш ва бекор қилиш тартиби, алиментни суд тартибида ундириш каби чоралар белгиланган.

Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар Оила Кодексининг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунингдек, Жиноят Кодексида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун ота ёки онага жиноий жавобгарлик белгиланган. (Жиноят Кодекси, 1122-модда).

Ота-она мажбуриятидан бош тортган, жумладан вояга етмаган болаларга алимент тўлаш мажбуриятидан бўйин товлаган, узрсиз сабабларга кўра боласини туғруқхонадан ёки бошқа даволаш, тарбия, аҳолини ҳимоя қилиш муассасаларидан олишдан бош тортган: ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилган, болаларга шафқатсиз муомалада бўлган, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган, ўз болаларининг ҳаёти, соғлиғига ёки эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган ота-оналар эса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ота-онанинг вояга етмаган болани таъминлаши шартлиги қонун меъёрларида кўрсатиб ўтилган. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддаси, Оила Кодексининг 96-моддаси.)

Ота-онанинг вояга етмаган болага алимент тўлаши унинг болага ғамхўрлик кўрсатиш шакли ҳамда моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти саналади. Бола ота-онасининг бирга яшашидан, ўзаро никоҳда эканлигидан, шунингдек, боланинг улар билан ёки улардан бири билан бирга яшаш-яшамаслигидан қатъи назар, алимент тўлаши лозим бўлади.

Юртимизда шу каби болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи бир қатор қонунларимиз мавжудки, улар болаларнинг бекаму кўст ўсиб улғайишларини таъминлайди. Ҳаётимизнинг давомчилари бўлган болаларга ғамхўрлик қилиш эса нафақат давлат, ота-она, маҳалла-кўй, балки ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Ҳолида АКРАМОВА, Тошкент шаҳар Бектемир тумани ФҲДЁ бўлими мудираси.**




*Футбол*

## Таркиб эълон қилинди

***Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев қитъамизнинг 4 та давлатида бўлиб ўтадиган Осиё Кубогида иштирок этувчи футболчилар рўйхатини эълон қилди.***



2007 йилги футбол мавсуми мухлис ва мутахассислар учун қувонарли келди, дейиш мумкин. Чунки, футболчиларимиз яна бир бор халқаро майдонларда ўз омадларини синаб кўришларига имкон яратилди. Осиё Чемпионлар лигаси муваффақиятсиз келган бўлса, "Пекин – 2008" саралаш баҳсларида вакилларимиз учинчи довонга омон-эсон ўтиб олишди. Яна 18 кундан сўнг мавсумнинг катта мусобақаси старт олади. Вьетнам, Таиланд, Индонезия, Малайзия майдонларида ўтадиган Осиё Кубоги ҳар қандай турнирни ўз соясида қолдириши табиий. Бу йил Рауф Инилеев қўл остида мазкур мусобақага ҳозирлик кўраётган вакилларимиз 27 июндан бошлаб навбатдаги йиғинларга киришадилар.

Инилеев таркибга киритган футболчилар билан танишинг: Павел Бугало, Хайрулло Каримов, Ботир Қораев, Азиз Ибрагимов, Асрор Алиқулов, Анзур Исмоилов, Азиз Ҳайдаров, Сервер Жепаров, Павел Соломин, Улуғбек Бақоев, Марат Бикмаев, Игнатий Нестеров, Ҳикмат Ҳошимов, Мансур Саидов, Александр Гейнрих, Максим Шацких, Алексей Николаев, Темур Копадзе, Ислом Иномов, Элдор Магдеев, Ғайратжон Ҳасанов, Иқбол Акрамов, Виталий Денисов.

Захира таркиби: Камолиддин Тожиев, Илҳом Суюнов, Виктор Карпенко, Одил Аҳмедов, Анвар Ғофуров, Ҳамза Каримов, Жасур Ҳасанов.

## Тўрт йиллик танаффусдан сўнг

**Европанинг кучли бешлик мақомини олган чемпионат ўйинлари якунига етди.**

Италия, Англия, Франция, Германия биринчиликлари ўз чемпионини бирмунча вақт илгари аниқлаган бўлса, дам олиш кунлари Испания примьероси ҳам поёнига етди. Унда Фабио Капелло мураббийлигидаги Мадриднинг "Реал" жамоаси 4 йиллик танаффусдан сўнг яна чемпион деган шарафли номга сазовор бўлди.

38-тургача "Барселона", "Реал" ва "Севилья" жамоаларининг имкониятлари тенг баҳоланаётганди. Бироқ, мутахассислар ўз майдонида "Мальорка"ни қабул қиладиган мадридликларнинг ҳолати ҳамда чемпионликка хоҳишлари юқоридаги икки жамоага нисбатан зарурроқ эканлигини таъкидлашди. Бироқ, "Мальорка" ўйинни рақибларига осонликча бериб қўймади. Биринчи бўлимни ўз фойдаларига ҳал қилган "Мальорка" футболчилари (0:1) иккинчи бўлимда ҳам бир текис ўйин намойиш этишди. "Реал" жонига эса захирадан майдонга чиққан Хосе Антонио Рейес оро кирди. Унинг икки голи мадридликларга узоқ кутилган чемпионликни олиб келди. Диарранинг бош билан йўллаган зарбаси ўйинга нуқта қўйди – 3:1. "Химнастик" жамоасини сафарда 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратган "Барселона" иккинчи ўринда қолиб кетди.

*"Формула-1"*

## Гамильтон – етакчи

***"McLaren" жамоасининг англиялик пилоти Льюис Гамильтон "Формула-1" чемпионатининг еттинчи босқичи – АҚШ Гран-приси ғолиби бўлди.***

Поул-позишн, яъни етакчилар жойлашадиган чизиқдан ҳаракатни бошлаган спортчи жамоадоши, икки карра жаҳон чемпиони Фернандо Алонсонинг таъқибларидан қочиб кетишга муваффақ бўлди.

Бу ғолибликдан сўнг англиялик пойгачи умумий рўйхатдаги етакчилигини мустаҳкамлаб олди. Унинг ҳисобида 58 очко бор. Фернандо Алонсо 48 очко билан рўйхатнинг иккинчи поғонасидан жой эгаллаган. Учинчи ўринда эса "Ferrari" жамоаси вакили Фелипе Масса бормоқда.

*Теннис*

## Ғалабани "илиб" кетди

***Англиянинг Бирмингем шаҳрида майсали кортларда ташкил этилган теннис турнири якунланди.***



DFS Classic номи остида ўтказилган мусобақа финалида сербиялик Елена Янкович теннис оламининг машҳур спортчиси, россиялик Мария Шараповани доғда қолдирди.

Об-ҳаво ноқулай келгани туфайли турнир икки кун кейинга сурилди. Кучли ёмғир ёғиши оқибатида, баъзи бир спортчилар баҳсларни охиригача тугатишолмай қолдилар. Лекин барибир мусобақа ташкилотчилари турнир ғолибини аниқлашди. Елена Янкович биринчи сетда мағлубиятга учраса-да, кучли рақибасидан чаққон ҳаракат қилиб, бош совринни уйига олиб кетди. Иккинчи сетда 6:3 ҳисобида ғалаба қозонган Янкович учинчи, яъни ҳал қилувчи сетни катта қийинчилик билан ўз фойдасига ҳал қилди. Натижа – 7:5.

Эслатиб ўтамиз, бу ғолиблик Янкович учун мавсумдаги тўртинчиси ҳисобланади.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*Таассуф*

# Оромгоҳ нега тайёр эмас?!

***Маълумки, айни кунларда фарзандларимиз ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш масканларида ҳордиқ чиқаришмоқда.***

Сирдарё вилоятида ҳам бу йўналиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, куни кеча Сирдарё туманидаги "Меҳнат" темир йўл станциясидаги болалар соғломлаштириш комплексида "Сирдарё", "Бургутча", "Оқ олтин", "Турон" оромгоҳларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бироқ вилоятда барча оромгоҳларда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди, деб бўлмайди. Мисол учун Зомин туманидаги "Мингтерак" қишлоғида жойлашган "Юбилей" оромгоҳи мавсум бошлангач ҳам мавсумга тайёр эмас эди. Хўш, бунинг сабаби нимада?

–"Юбилей" оромгоҳи энг салқин ерда жойлашган, – дейди Ўзбекистон Республикаси автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Сирдарё вилояти бўлими вакили Абдували Жамолов. – Вилоят ҳокимининг 2007 йил 26 мартдаги қарори билан 2513-автожамланма балансида бўлган ушбу оромгоҳни мавсумга тайёрлаш, юмшоқ ва қаттиқ мебель жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда болаларни мароқли дам олдириш билан боғлиқ барча ташкилий ишларни бажариш "Узавтодарётранс" агентлигининг Сирдарё вилояти бўлими, "Сирдарётранс" автомобилда юк ва йўловчи ташиш уюшмаси ва уюшмага бирлашган барча автокорхоналар ҳамда Сирдарё автойўл ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти ва 2513-автожамланма раҳбарларига юкланган эди. Афсуски, улар белгиланган муддатгача тайёрлай олмадилар. Очиқроқ айтадиган бўлсак, оромгоҳ 13 июнда ҳам тайёр эмас эди.

Ушбу "Юбилей" оромгоҳида тайёргарликни комиссия таркибида назоратдан ўтказган Гулистон шаҳар ДСЭНМ бош врачи Дилбар Қобилова шундай деди:

–Оромгоҳнинг ҳозирги ҳолати хусусида мутасадди ташкилотлар, корхоналар раҳбарларига маълумотномалар жўнатганмиз. Гап шундаки, "Юбилей" оромгоҳи ҳудуди атрофини бир неча кишилар ўзбошимчалик билан ўраб олишган. Улардан эса бу жойлар қайтариб олинмаган. "Юбилей" бу йил биринчи босқичда 190 нафар, иккинчисида 80 нафар болани қабул қилиши керак. Аҳвол шу бўлса...

–Кеча битта сув насосини бир шахсдан тилхат билан олиб оромгоҳга жўнатдим. Асли бу менинг вазифамга кирмайди. Лекин мутасадди ташкилотлар ўзини четга тортгандан кейин мажбур бўлар экансан, – дейди касаба уюшмаси вилоят вакили Абдували Жамолов. –Бу оромгоҳга корхоналаримиз миллионлаб пул сарфлайди. Лекин бор-йўғи икки ой ишлайди, холос. Нега ҳар бир босқичда 200 дан 600 нафар болани соғломлаштириш мумкин эмас, ахир сентябргача улгуриш мумкинку?

Бу ҳақда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Ю.Ўтагенов шундай деди:

–Бизга бу мавсумда 990 нафар болани соғломлаштириш режаси белгиланган. Лекин биз 1300 нафар болани соғломлаштирамиз. Имконият бор. Фақат ижтимоий суғурта фонди маблағ ажратса бўлди. Бу йил вилоятдаги 14 ёшгача бўлган жами болаларнинг 3-3,5 фоизи соғломлаштирилаяпти, холос. Демак бу соҳада ишларимизни жонлантиришимиз лозим.

Зоминдаги "Гулистон", "Юбилей" оромгоҳлари йил давомида нари борса икки ой ишлайди. Қолган вақтларда ҳувуллаб ётади. Ана шу пайтда тадбиркорлик қилиб сервис хизмати кўрсатилса, одамларнинг дам олиши ташкил этилса, оз бўлса-да маблағ топилса, оромгоҳлар ўзини тиклаб оларди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Сирдарё вилояти*

***Чалоб – ҳарорат ҳовурини кесадиган, маълум даражада енгил, татимли таом ҳисобланади. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасининг хонадонларида тушки овқатда дастурхонга чалоб тортилади. Дид билан тайёрланган чалоб "ёниб" турган аъзоларнинг тафтини олибгина қолмасдан, балки иштаҳага ҳам йўл очиб беради.***



# Чалоб иссиқ заҳрини қайтаради

## Уни ичганнинг танаси яйрайди

*Ёз таомлари*

Ушбу ичимликни тайёрлашда чакки (сузма) совитилган сув билан обдон аралаштирилади ва ёғоч чўмич билан шопирилади. Сўнгра таъбга қараб туз, лозим кўрилса зиравор ва кўкатлар майдаланиб қўшилади. Бу билан чалобнинг чанқовбосдилик хислати ва шифобахш таъсирчанлиги ошади. Чунончи, ошрайҳон, ҳожарайҳон, садарайҳон, шивит, кашнич кабилар майда тўғралган ҳолда қатиққа қўшилади.

Мазкур ошкўклар кишига ҳузур бағишлайди, мудроққа мойиллик яратади, бир оз уйқу тортадиган бўлса, мароқли ҳордиқ беради. Мабодо рўзғорда бодринг бўлса, майдаланган ҳолда чалобга қўшиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Чалоб тайёрлашда қайнатилмаган жўмрак суви ишлатилмаслиги керак. Акс ҳолда инсон ошқозон-ичак хасталикларига мубтало бўлиш мумкин.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**


## Автотранспорт – кредит ва лизингга!




РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналии юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

**Ҳақ тўлаш исталган усулда!**

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган


## Болажонларга туҳфа

***"Ижтимоий ҳимоя йили" муносабати билан Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйида вилоят ҳокимлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан уюштирилган тадбирда болажонларга 3,5 миллион сўмлик кийим-кечак, ўқув қуроллари ва китоблар совға қилинди.***

Шунингек, шу ернинг ўзида Меҳрибонлик уйи битирувчиларидан 24 нафари ўзлари танлаган йўналишлар бўйича коллежлар ўқувчилигига қабул қилинди. Бу билан уларнинг камолга етишлари учун яна бир имконият яратилди.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Сурхондарё вилояти*


Жиззах вилоят суди томонидан тугатиш жараёни муддати узайтирилмаганлиги сабабли "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2007 йил 8 июнь 71-сон 3-бетида "OSIYO-KOMPRESSOR-LITMASH" қўшма корхонаси "Қуйиш цехи"нинг кимошди савдосида сотилиши хусусида берилган эълон бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси 160а-уйда жойлашган "SAXOVAT-XAYRIYA" (ИНН 202448863, ОКОНХ 61110) хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Представительство ACDI/VOCA в Узбекистане ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Юнусабадский район, Главпочтамп, а/я 153, Тел:. 184-60-01.


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик ҳайъати аъзоси, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммоларини ҳал этиш кенгаши раиси

**Владимир Яковлевич ШАШУРИН**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-517, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru